

---

Марғилон шаҳрида жойлашган қарийб VII асрлик тарихга эга "Хўжапорсо" қабристонни девори "Обод хонадон", "Обод кўча" ва "Обод маҳалла" дастури ҳамда "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида янгитдан қуриб битказилмоқда.

Шаҳардаги энг катта қабристонлардан бири бўлган ушбу масканга 18 та маҳалла фуқаролар йиғини бириктирилган бўлиб, зиёратгоҳнинг деворлари нураб, авария ҳолатига келиб қолган эди.

Шу сабабли кенг жамоатчилик вакиллари томонидан ушбу қабристоннинг деворини янгилаш таклифи "Ташаббусли бюджет" лойиҳасига киритилиб, кўп сонли овоз билан ушбу лойиҳа ғолиб деб топилган эди.

Лойиҳа доирасида ажратилган 900 млн сўм маблағ ҳамда саховатпеша тadbиркорларнинг хайрли ташаббуслари билан бугун қабристон деворини янгитдан қуриш ишлари бошланди.

Шаҳар ҳокими бошчилигидаги сектор раҳбарлари, нуронийлар ва маҳалла фаоллари иштирокида қабристон деворига илк ғиштлар қўйилди.

Тadbир давомида бу каби хайрли ишлар бардавом бўлишини тилаб, дуога қўл очдилар.

2024-02-10 15:35:34